
Эҳтиёжмандларга бройлер жўжалари тарқатилмоқда

Мамлакатимизда хукм сураётган карантин даврида аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш куннинг энг долзарб масаласидир.

Бу борада Ўзбекистон тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги аҳолининг эҳтиёжманд қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.





Бугун туман ҳокими бошчилигидаги 1-сектор ҳудудидаги 22 та ана шундай оиласарга 292 та бройлер жўжалари бепул тарқатилди.

Жараёнларда иштирок этган тумандаги “Тараққиёт парранда” фермер хўжалиги мутахассислари жўжаларнинг парвариши ҳақида батафсил тушунча беришди.



Эртадан туманнинг бошқа ҳудудларида, яъни қолган секторларда ҳам мазкур хайрли ишлар давом эттирилиб, туман бўйича муҳтож оиласарга жами 1000 та бройлер жўжаларини тарқатиш кўзда тутилган.

Туманда бу каби хайрли ишлар давом этмоқда. Зоро, синовли кунларда ҳеч бир оила эътибордан четда эмас.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-08-03 22:50:19